

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ШАРИПОВ Бекзод Шерзодович

*Бухоро давлат университети, Зиёрат туризми
йўналиши магистранти*

ИНКЛЮЗИВ ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада инклюзив туризм атамасининг мазмун моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, тўсиқсиз туризм, ижтимоий туризм, туризм ҳамма учун, оммабоп (ассэссибле) туризм, универсал туризм ва бошқа шу каби бир-бирига ўхшаш атамаларнинг фарқли жиҳатлари солиштирилиб, таҳлил қилинган. Инклюзив туризмнинг бошқа туризм турларига нисбатан фарқи, тўсиқсиз туризм, универсал туризм, оммабоп туризм турлари бўйича хориж олимларининг ёндашувлари таҳлил қилиниб, соҳада аниқ илмий ибораларни қўллаш зарурати нечоғлик муҳим эканлиги илмий исботланган.

Калит сўзлар: инклюзив туризм, универсал туризм, ижтимоий туризм, туризм ҳамма учун, оммабоп туризм, тўсиқларсиз туризм, инклюзив зиёрат туризми.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СУЩНОСТИ ИНКЛЮЗИВНОГО ТУРИЗМА И ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье изучено значение термина инклюзивный туризм, его специфические черты, обсуждены без барьерного туризма, социальный туризм, туризм для всех, народный (доступный) туризм, универсальный туризм и другие подобные термины, сопоставлены разные аспекты и проанализировано. Проанализированы отличия инклюзивного туризма от других видов туризма, без барьерного туризма, универсального туризма, народного туризма, подходов зарубежных ученых и научно доказана важность использования конкретных научных выражений в данной сфере.

Ключевые слова: инклюзивный туризм, универсальный туризм, социальный туризм, туризм для всех, массовый туризм, туризм без барьеров, инклюзивный паломнический туризм.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ESSENCE OF INCLUSIVE TOURISM AND THEORETICAL APPROACHES

ANNOTATION

In this scientific article the meaning of the term inclusive tourism, its specific features, discussed barrier-free tourism, social tourism, tourism for all, folk (accessible) tourism, universal tourism and other similar terms, compared different aspects and analyzed. The differences of inclusive tourism from other types of tourism, barrier-free tourism, universal tourism, people's tourism, the approaches of foreign scientists are analyzed and scientifically proved the importance of using specific scientific expressions in this field.

Key words: inclusive tourism, universal tourism, social tourism, tourism for all, mass tourism, barrier-free tourism, inclusive pilgrimage tourism.

2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент фармонида мувофиқ тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш, жумладан, тўсиқсиз туризм йўналишида жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда тегишли стандартларни ишлаб чиқиш, туристик ташкилотлар томонидан мазкур йўналишдаги хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар саёҳатини ташкил қилганлик учун рағбатлантириш чоралари ҳамда унинг механизмларини ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари орасида тўсиқсиз туризм ва унинг афзалликлари юзасидан тушунтириш ишларини UNWTO билан ҳамкорликда ташкил қилиш белгиланган.

Бундан ташқари ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш, ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш белгиланган.

Халқаро туризмнинг қайта тикланиш жараёни фонида жамиятнинг алоҳида эътиборга муҳтож қатламни туризмга жалб этиш, уларнинг эҳтиёж ва талаблари эътиборидан туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда мослаштириш, инклюзив туризмни ривожлантириш ва бу борада халқаро тажрибадан келиб чиқиб ёндашиш мақсадга мувофиқ. Энг аввало, турли чалқашликлар юзага келиши эҳтимолини минималлаштириш, имкон қадар йўқотиш учун инклюзив туризм атамасининг асл мазмунини ўрганиб чиқиш зарурати мавжуд бўлиб, бу кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган илмий қийинчиликларни бартараф этишга асосий омил бўлиб хизмат қилади.

С. Джавадова фикрича, инклюзия бу жамият ҳаётини шундай ташкиллаштириш принципки, барча инсонларга уларнинг ташқи кўринишлари, келиб чиқиши ёки соғлиғининг ҳолатидан қатъий назар турли жабҳаларда иштирок этиш демакдир [4].

Инклюзив туризм тушунчасини аниқлашда Р. Счейвенс ва Р. Биддулф [19] инклюзив туризм ривожланишининг турли хил 7 та элементларини илгари суришган. Уларнинг фикрига кўра, бу элементлар инклюзив туризмни тадқиқ қилишнинг йўналишларини акс эттиради.

И. Семченко, Э. Незхелченко, С. Ясенюк, Й. Болтенколар фикрича, инклюзив туризм одатда доимий ёки вақтинчалик чекловлар ҳамда жисмоний имкониятлардан қатъий назар барча учун фойдаланиш мумкин бўлган туризм сифатида тушунилади.

Мақолада инклюзив туризм иборасининг мазмун моҳиятини аниқлаш мақсадида гуруҳлаш, илмий абстракция методларидан унга ўхшаш ва яқин мазмунда қўлланилувчи бошқа терминлар ўрганилган. Шунингдек анализ ва синтез методи қўлланилиб инклюзив туризм терминининг таърифлари асослаб берилган.

Муаллиф томонидан инклюзив туризм моҳиятини аниқлаштириш мақсадида IUA (inclusive, universal, accessible) айланаси ишлаб чиқилиб, изоҳланган. Изланишлар натижасида аниқ хулосалар чиқарилиб, муҳим таклифлар илгари сурилган.

Инклюзив туризм универсал дизайн принциплари қўлланган, туристик атроф муҳитни ҳамма учун қулай, тушунарли ва барча максимал даражада фойдалана оладиган даражада бўлиши демакдир. Бунда ёши, ўлчамлари, қобилияти ва саломатлик даражасидан қатъий назар туризмдан ҳамма фойдалана олади. Инклюзив туризм пандусдан тортиб, брайл ёзувларигача бўлган барча деталларни ҳам ўз ичига оладиган туризм туридир [26].

Ҳозирги вақтда инклюзив туризм мавзуси фаол ривожланиб, ногиронлиги бор инсонлар учун инклюзив туризмнинг ижтимоий аҳамияти йилдан-йилга муттасил ошиб бормоқда [16, Б.20].

Ҳар бир инсон туризмнинг барча йўналишларида иштирок эта олишини таъминлаш мақсадида ҳозирда асосий эътибор инклюзив туризмга қаратилмоқда, изланишлар инклюзив туризмни келажак йўналиши сифатида танлаган. Барча таърифлар тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида инсонларга туризмда иштирок этишларида монелик қиладиган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган [31].

Жисмоний имкониятлар фарқлилигидан қатъий назар барча учун қулай туристик хизматлар кўрсатиш инклюзив туризмнинг мазмун моҳиятини англагани ҳолда, туризмнинг ушбу шаклига алоқадор таърифларнинг барчаси туризм тўсиқларини бартараф этишни назарда тутади.

Инклюзив туризмга ўхшаш атамалар жуда кўплаб манбалар ва адабиётларда турли даража ва қамровдаги туризм сегментини ўз ичига олишига кўра бир неча хил номлар билан аталган (*1-расмга қаранг*).



1-расм. Инклюзив туризмга ўхшаш турли адабиётларда учраши мумкин бўлган терминлар

Оммабоп туризм (Accessible tourism) ногиронлиги бўлган инсонларга саёҳат қилиш имкониятларини яратишга эътибор қаратади.

Инклюзив туризм (Inclusive tourism) бу туризмга кенгрок нуқтаи назардан қараш бўлиб, ўз ичига интеграциялашган шарт-шароитларда барча фойдаланиши мумкин бўлган қулай атраф муҳит, дастурлар ва хизматларни олади.

Универсал туризм (Universal tourism) манфаатдор жамият аъзолари саёҳатлардан оладиган таассуротни ишлаб чиқиш ва таъминлашнинг тармоқли ёндашувидан фойдаланади [15]. Универсал туризм бу барча ҳаттоки кекса ёшдаги ва имконияти чекланган инсонлар ҳам иккиланишларсиз саёҳатдан баҳра олиши учун шароит яратилган туризмдир.

Универсал туризм концепцияси озиқ-овқат аллергияси бўлганлар учун қулайликлар яратишни ҳам ўз ичига олади [30].

Оммабоп (Accessible tourism) туризм барча инсонларга туризмда иштирок этиш ва ундан роҳатланиш имконини беради. Борган сари кўплаб одамлар жисмоний ҳолатга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган туризмдан фойдаланиш эҳтиёжларига эга бўлиб боришмоқда. Оммабоп туризм туристик дестинациялар, маҳсулот ҳамда хизматларнинг жисмоний имконияти чекланганлиги, ногиронлиги ёки ёшидан қатъий назар барча инсонлар фойдалана олишлари учун таъминлашга бўлган интилиш. Бу давлат ва хусусий туристик жойлар, объектлар ва хизматларга бирдек тегишлидир [28].

Оммабоп туризм тушунчаси баҳсли ҳисобланади. У адабиётларда турли кўринишларда ифодаланади. Жумладан, туризм ҳамма учун, тўсиқсиз туризм, осон кириш ёки универсал туризм [3].

Darcy, McKercher ва Schweinsbergлар фикрига кўра оммабоп туризм дастлаб инсонларнинг бинолар, тадбирлар ҳамда диққатга сазовор жойларда қийинчиликка дуч келмасликлари маъносида назарда тутилган [6]. Оммабоп туризм бўйича мавжуд адабиётларнинг асосий қисми иқтисодий масалаларга қаратилган [17]. Ногиронлиги бўлган сайёҳлар учун жаҳон бозори ўсишда ва ривожланишда давом этаётган бозор сифатида тан олинган [7, Б.18].

2025-йилга бориб жаҳон туризм бозорининг 25 фоизини оммабоп туризм камраб олиши башорат қилинмоқда ва шу боисдан, ушбу бозорни бошқара оладиган иқтисодиётни ярата олиш, ўзгарувчан демографик ҳолатни ҳисобга олиб, бутун дунё бўйлаб келажакда ишлаб чиқиладиган туризм стратегияларида ихтисослашган маҳсулотларнинг бозорга кириб келишини инobatга олиш шарт [31]. Имконияти чекланган инсонларга мўлжалланган туризм бозори хизматларининг прогноз кўрсаткичларга мувофиқ шакллантирилиши потенциал даромад ва яратилажак ишчи ўринларининг даражаси юқори бўлишининг асосларидан биридир.

Ногиронлик шакллариининг эволюцияси, шунингдек, ногиронлик ижтимоий моделининг ўзгариши, ижтимоий қабул қилишнинг ўзгариши янада диверсификациялашаётган қулай туристик хизматлар трансформациясига олиб келди [5, Б.24]. Демак, жамият ривожланиши жараёнларида ногиронлик тушунчаси камрови ва моҳияти оптималлашиб бораверади ва пировардида туризм хизматлари ҳам шунга мос равишда қулайроқ бўлиб боради.

Ногиронларга саёҳат пайтида яхшироқ хизмат кўрсатиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам бериш уларнинг саёҳатлари тўсиқсиз бўлишини таъминлаш жамият ва ижтимоий фаровонликни оширишга ёрдам беради [8, Б.23].

Бугунги кунга келиб оммабоп туризм атамасининг келишилган ва халқаро миқёсда тасдиқланган таърифи ҳалигача мавжуд эмас. Чунки сўнги ўн йилликда ушбу концепциянинг ўзи сезиларли даражада ривожланди.

Ягона, умумий таърифни қабул қилишни мураккаблаштирадиган иккита омил мавжуд:


1. “Қулай (оммабоп) туризм” соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ҳамда концепсиянинг вақт ўтиши билан ривожланиб бориши турли мамлакатларда умумий атамадан фойдаланиш бўйича ҳеч қандай келишувларсиз қўлланиладиган оммабоп туризм тушунчасининг бир нечта синонимлари пайдо бўлишига олиб келди. Уларга мисол тариқасида куйидаги терминларни келтириб ўтиш мумкин: inclusive tourism, adapted tourism, tourism for all, barrier free tourism (BFT), easy access tourism va universal tourism.

2. Туризм қулайлик тушунчаси билан боғланганлиги сабабли, атаманинг аниқ таърифини ишлаб чиқишга бир қатор ҳаракатлар бўлди, аммо келишувга эришилгани йўқ.

Гарчи бугунги кунда бу концепция тобора аниқ бўлиб бораётганига қарамай ушбу масала бўйича ҳар бир мутахассис ўз таърифига эга, халқаро консенсусга ҳали эришилмаган ва барча манфаатдор шахсларни қониқтирадиган таъриф бўйича халқаро консенсус ҳалигача мавжуд эмас [22].

“Туризм ҳамма учун (tourism for all) термини тез-тез турли йўналишларда ишлатилади. Баъзида ижтимоий сиёсатда паст даромадли аҳоли гуруҳини дам олишлари учун энгилликлар яратиш, баъзида эса имконияти чекланган инсонларнинг туристик эҳтиёжларини инобатга олиш маъносида қўлланилади [21]. Hunzicker ижтимоий туризмни (social tourism) иктисодий имконияти паст ёки сустроқ бўлган саёхатчилар иштироки билан характерланувчи муносабат ва кўриниш сифатида қайд этиб, имконияти чекланган инсонлар ҳамда паст даромадлилар учун махсус хизматлар таклиф этилувчи туризм сифатида изоҳлайди [11].

Тўсиқсиз туризм (barrier free tourism) бу фаолият тури, бизнес бўлиб, ҳаракатчанлиги чекланган инсонлар гуруҳи учун оммабоп ва ташкиллаштирилган турмахсулот, маълумот, алоҳида туристик хизматлардир [25]. Тўсиқларнинг уч тури мавжуд: “Атроф-муҳит тўсиғи”, “Муносабатлар тўсиғи”, “Институционал тўсиқ” [1], шунингдек, жисмоний, психологик, маданий ва ижтимоий тўсиқлар ҳам мавжуд.



2-расм. IUA айланаси

Ўрганишлар натижасида инклюзив туризм терминига оммабоп туризм ҳамда универсал туризм ўхшаш эканлиги аниқланди. Адабиётлар ва манбаларда инклюзив ва оммабоп туризм терминлари жуда кўп қўлланилган бўлиб, универсал туризм ҳам мазмунан уларга жуда яқин келиши аниқланди ва шу уч термин боғлиқлиги асосида IUA айланаси тузилди (2-расмга қаранг).

Кўплаб илмий манбаларни ўрганиб чиқиб, биз қуйидаги хулосаларга келдик: Ҳозирга қадар инклюзив туризм термини аниқ расмий халқаро даражада умум эътироф этилган эмас. Бирок, инклюзив туризмнинг аналог вариантлари сифатида ишлатилувчи ҳамда унга ўхшаш ёки яқин терминлар ҳам ягона расмий термин сифатида қабул қилинмаган.

Моҳиятан фойдаланиш мумкин бўлган термини инклюзив туризмга жуда мос ва халқаро даражада кўпроқ ҳамда кенгроқ маънода қўлланилаётганини алоҳида қайд этган ҳолда, инклюзив туризмнинг бу борадаги қўлланилиш доирасини пастроқ баҳолай олмаймиз ва илмий нуқтаи назардан унинг қўлланилиш доирасини чеклаб қўйиш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Инклюзив туризмнинг мазмун моҳиятини таҳлил қилиш жараёнида ўзбек тилидаги илмий манбаларни топишда қийинчиликларга дуч келиб, асосан хорижий олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ишларига мурожаат қилдик.

Ўрганишларимиз натижасида қуйидаги таклифларни амалга ошириш долзарб деб ҳисоблаймиз:

1. Инклюзив туризмни халқаро даражада эътироф этилган ягона термин сифатида тан олиб, илмий мураккабликлар ва чалкашликларни бартараф этишга, минималлаштиришга замин яратиш.

2. Инклюзив туризмга ўхшаш ва яқин бўлган терминларнинг мавжуд таърифларидан келиб чиқиб, қолаверса инклюзив туризмнинг бугунги кунгача илгари сурилаётган таърифларини инобатга олган ҳолда ягона таърифни ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон олимлари томонидан инклюзив туризм йўналишида терминологик аниқликни ишлаб чиқиш мақсадида изланишлар олиб борилиши ва тадқиқотлар ўтказилиши учун туризмга алоқадор масъул идоралар маҳаллий йўналтирувчи вазифасини бажариши.

4. Илмий адабиётларда инклюзив туризм терминини кенгроқ ёритиш ва асосий термин сифатида ёритиб, унга ўхшаш ва яқин бошқа терминларни инклюзив туризмнинг (*фақатгина ўзбек тили назарда тутилмаган*) таркибий қисми ёки йўналишлари сифатида ёндашиб қайтадан ишлаб чиқиш.

5. Бизнингча инклюзив туризм зиёрат туризми хизматларини кўрсатиш тизимида кўпроқ мувофиқ келади ҳамда айнан зиёрат туризми хизматлари пакетларини ишлаб чиқишда инклюзив туризмнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

ИҚТИБОСЛАР

1. A.Sharma, K.Kumar. A Review of Barrier-Free Design in Built Environment. - 34 p. International Journal of Multidisciplinary Innovative Research ISSN: 2583-0228 Volume 2, Number 1 (Jan' 2022) pp. 33-37 © CIIR, Noida, INDIA <https://www.ciir.in>

2. B.Gillovic and A.McIntosh. Accessibility and Inclusive Tourism Development: Current State and Future Agenda. – 2 p. Sustainability 2020, 12, 9722; doi:10.3390/su12229722.

3. Buhalis, D, Ambrose, I & Darcy, S 2012, Best practice in accessible tourism: inclusion, disability, ageing population and tourism, Bristol: NBN International, Bristol.

4. С.А. Джавадова. Перспективы развития инклюзивного туризма в России. УДК 316. Социологические науки. – 22 с.

5. C.S.Henríquez, A.J.Ricoy Cano, J.H.Galán, Y.M.F.Robles. The past, present, and future of accessible tourism research: a bibliometric analysis using the scopus database. Journal of Accessibility and Design for All. Volume 7, Issue 2. (CC) JACCES, 2022. ISSN: 2013-7087.

6. Darcy, S, McKercher, B & Schweinsberg, S 2020b, 'From tourism and disability to accessible tourism: a perspective article', Tourism review., vol. 75, no. 1, - 141 p.

7. Freeman I and Selmi N (2009) French versus Canadian Tourism: Response to the Disabled Journal of Travel Research, OnlineFirst, (published on October 27);

8. G.Inalhan, A.S.Ergeneoglu. Inclusive Tourism and Barrier free Istanbul European Capital of Culture.FM IN THE EXPERIENCE ECONOMY. – 512 p.

9. Gillovic, B.; McIntosh, A. Accessibility and inclusive tourism development: Current state and future agenda. Sustainability 2020, 12, 9722;

10. Hansen, M., Fyall, A., Macpherson, R., Horley, J. The role of occupational therapy in accessible tourism. Ann. Tour. Res. 2021, 90, 103145;

11. Hunziker, W. (1951). Social tourism: Its nature and problems. International Tourists Alliance Scientific Commission; H.L. Ghimire. Social Tourism: An Alternative Tourism in Nepal. Journal of Tourism and Hospitality (Vol. 6). 2014. – 102 b.
12. K.Ilyassova, A.Nauryzbayeva, G.Abisheva, G.Sadvokasova, S.Daurbekova, S.Karzhaubayeva. Issues Of Inclusive Tourism And Architectural Heritage In Kazakhstan.
13. M.D. Lytras et al. (Eds.), Communications in Computer and Information Science (CCIS) Vol. 5288, Springer-Verlag, Berlin, pp. 565-572.
14. M.Kamyabi and H. Alipour. An Investigation of the Challenges Faced by the Disabled Population and the Implications for Accessible Tourism: Evidence from a Mediterranean Destination. Sustainability 2022, 14, 4702. – 5 p.
15. M.Prescott. Universal tourism networks. Research gate. 2015. – 1 p.
16. Mezhova L. A., Letina a. L., LugovskayaL. A. the Role of regional inclusive tourism in the socialization of children with disabilities // fundamental research. -2015. -No. 2-25;
17. Ozturk, Y.; Yayli, A.; Yesiltas, M. Is the Turkish tourism industry ready for a disabled customer’s market? The views of hotel and travel agency managers. Tour Manag. 2008, 29, 382–389;
18. Prager J H (1999) “People with Disabilities Are Next Consumer Niche.” Wall Street Journal, pp. B1-B2 (published on December 15);
19. Scheyvens, R.; Biddulph, R. Inclusive tourism development. Tour. Geogr. 2018, 20, 589–609-p.
20. Smykova M. R.-candidate of economic Sciences With 52 Tourism: Economics, management and marketing.-Almaty: Nurpress publishing house, 2014.—246 pages;
21. Tourism for all in Europe. Ethical: Barrier Free Tourism April 1, 2008 - 44 b.https://www.accessibletourism.org/resources/tourism_review_ethical_april_2008.pdf
22. World Tourism Organization (2016), Manual on Accessible Tourism for All: Principles, Tools and Best Practices – Module I: Accessible Tourism – Definition and Context, UNWTO, Madrid. – 17 p.
23. Wu Yen-Chun J and Cheng Ming J (2008) "Accessible Tourism for the Disabled: Long Tail Theory ", Proceedings of the 1st World Summit on the Knowledge Society (WSKS'2008),
24. Zajadacz, A. (2015). Evolution of models of disability as a basis for further policy changes in accessible tourism. Journal of Tourism Futures, 1(3), 189– 202. doi: <https://doi.org/10.1108/jtf-04-2015-0015> ;
25. Бронников, В.В. Благотворительность в организации социального туризма для малообеспеченного населения / В.В. Бронников. – Дис. кан. экон. наук: Экономика и упр. нар. хоз-вом. – М., 2005. – 132 с.; Ю.Е.Холодилина, К.В.Давыдова. Безбарьерный туризм: понятие и сущность. – 2 с.
26. <https://blog.acorneng.com/inclusive-tourism-why-hotels-restaurants-parks-should-care/>
27. <https://travability.travel/>
28. <https://www.un.org/development/desa/disabilities/issues/promoting-accessible-tourism-for-all.html>
29. <https://www.arttakamatsu.com/en/tips/universaltourism/#:~:text=Universal%20Tourism%20is%20travel%20designed,ae%20or%20people%20with%20disabilities.>
30. <https://www.businesswire.com/news/home/20211108005441/en/> Japan-Promoting-Universal-Tourism-Catering-to-Diverse-Dietary-Needs-%E2%80%93Japan-National-Tourism-Organization-JNTO
31. <https://travability.travel/pages/>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**